

Туркистон

Элим деб, юртим деб,

ёниб яшаш керак



1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 18 октябр Шанба. № 81 (14473)

ЭЪТИРОФ

Мамлакатингиз билан Жаҳон банкининг ҳамкорлик алоқалари гоят самарали ривожланмоқда. Мана, беш йилдирки, биз Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келямиз. Республика ҳукумати билан ҳар бир лойиҳа ва дастуримиз устида пухта ишлаб, уларнинг самара бериш йўлида биргаликда ҳаракат қилолдамиз.

Мен аминманки, алоқаларимиз бундан буюн ҳам ривожланиб, ҳамкорлик қирралари янада ортади.

Хассо МОЛИНЕУС,
Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги
ваколатхона раҳбари

Маънавий-қалбим кўёши

БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА



Бухоро Давлат университетининг талабалари бўш вақтларида хашарга чиқиб, пахтакорларга ёрдам бермоқдалар.

Бухоро азатдан илм-маърифат учоғи бўлиб келган.

Бухоро Давлат Университети ташкил этилганга ҳали унчалик кўп вақт ўтмаса-да, унинг жамоаси кўпгина хайрли ишларни амалга оширди. Университет ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси Комилжон МУҚИМОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди:

1992 йили Бухоро Давлат Университети ташкил қилинган эди. Мен ўша йилдан буюн унга ректорман. Педагогика институтини негизда университет ташкил қилишдан мақсад университетда халқ ҳўжалигининг исталган соҳаси бўйича мутахассис тайёрлаш мумкин. Илгариги олий ўқув юртида эса фақатгина мактаблар учун педагоглар тайёрланган. Университет ташкил қилинганга, янги кафедралар, факультетлар, мутахассисликлар бўйича курслар очдик. Қишлоқ ҳўжалиги, иқтисод факультетлари шулар жумласидандир. Университетга таниқли олимларни тақлиф этдик. Ҳозир бу ерда 171 фан номзоди, 32 нафар фан доктори, профессорлар ишляпти.

Уқув даргоҳида чет мамлакатлар билан ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган бўлса керак?

Хорижий давлатлардаги олий ўқув юртлари билан алоқамиз яхши.

АҚШдаги Бревтон Паркер олий коллежи, Қоҳирадаги Айн-Шамс университети билан шартномамиз бор.


ТАСИС дастурида қатнашиб Европа (Ирландия, Италия, Франция)-Ўзбекистон қўшма иқтисод факультетларини очиш имконига эга бўлдик. Франциянинг Гренобль, Италиянинг Тренто, Ирландиянинг Лимрик университетлари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз. Булажак лойиҳага тайёрларик кўриш мақсадида 50 минг экю ажратилди. Ушбу лойиҳа 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга оширилади. Унга кўра бизга 600-700 доллар ажратилади, яъни 3 йилда 18 нафар ўқитувчи 2 мартадан мазкур олий ўқув юртларига жўнатилади. Талабалардан эса билим олиш учун йилига 12 нафари юборилади. Улар иқтисоднинг турли йўналишлари бўйича таълим оладилар.

Иқтидорли ёшларга эътибор қандай?

Иқтидорли талабалар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Бунинг исботи сифатида яқинда "Умид" жамғармаси эълон қилган танловдан муваффақиятли ўтган 5 нафар талабамиз АҚШга бакалавриатда таълим олиш учун, бир талабамиз эса магистратурда ўқиш учун Буюк Британияга жўнаб кетишди.

Иқтидорли болалар хорижий тилларни пухта ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Қолаверса, ўқитувчиларнинг ҳам чет тилини ўрганишларида яқиндан кўмак беряпмиз.

Бу йилги қабул-тест си-



Гулноз Рўзиева ҳамиша илгор

новлар қандай ўтди?

Шу йилги Бухоро вилоятининг барча туманларида бўлиб, иқтидорли, билимга чанқоқ талабалар учун университет кулларини ўтказдик. Бу эса ўзининг ижобий самарасини берди. Яқиний танлов натижаси ўтган йилга нисбатан анча юқори бўлди.

Муаммолар ҳам бўлгандир?..

Тестнинг ҳам ўз муаммолари бор, уни ҳам ўйлаш керак. Ўқитувчилар етишмайдиган айрим туманлардан танловда иштирок этувчилар сонини жуда оз. Пешку, Олот туманлари шулар жумласига қиради. Бу масалани албатта, ҳал қилиш керак. Назаримда уша жойларда лицей ташкил этиб, иқтидорлиларни ўқитиш зарур. Абитурientлар орасида-

ги танловни ҳам туманлар бўйича ўтказиш керак.

Яна бошқа муаммоли жиҳати, чет тили мутахассислигига 90 фоиз шаҳар ёшлари киришяпти. Қишлоқ жойлардан келатганлар кам. Сабаби ўша ерларда чет тили муаллимлари жуда-жуда етишмайди.

Ҳозир ҳукуратимиз қишлоқ инфраструктурасини яхшилашга аҳамият беряпти. Ахир бунинг чет тили мутахассислигисиз тасаввур этиб бўлмайди-ку. Болаларга 9-синфдан сўнг ўрта махсус таълим бериш керак. Туманларнинг бариди болаларнинг коллежда илм олишларига имкон бор деб бўлмайди. Биз шундай туманлардан талабаларни мақсадли қабул қилишни

йўлга қўйишимиз керак, деб ўйлайман. Ўқишга қабул қилинган талабалар билимини компьютерда тест орқали аниқлаймиз. Уч йил аввал ташкил қилинган тест маркази бунинг холисона бажарилди.

Миллий урф-одатларимиз, эзгу анъаналаримизни талабаларга янада чуқурроқ сингдиришда қандай чора-тадбирлар белгиланган?

Ёшларнинг муайян бир мутахассислиқни эгаллашлари билан бирга маънавий баркамол инсон бўлиб етишши учун ҳам астойдил ҳаракат қилияпти. Бунинг жамият учун фойдаси катта. Наврўз, Истиқлол байрамларига талабалар жуда кўтаринкилик билан тайёр-

гарлик кўришади.

Агар талабаларнинг тарбиясига эътибор берилган бўлса, биринчи курсга келган ёшларнинг тарбиявий қиёфаси шаклланиб бўлган, десак янглишмаймиз. Дастлабки кунларда мураббийлар талабанинг руҳиятини чуқурроқ тушиниб олишга интилишади. Тарбияси ўта оғир, университет талабларига, ички тартиб-қоидаларга бўйсунмайдиганлари талабанинг сафидан ўчиришга мажбурмиз. Бундай ноҳушлиқнинг олдини олиш мақсадида университет қошида болалар богчаси, гимназия, лицей ташкил қилиш ниятимиз бор.

Ундан ташқари академик лицей йўналишини кенгайтириш билан бирга касб-хўнар бўйича коллежлар очиш мумкин. Вилоятимиз учун керакли бўлган янги мутахассисликларни ташкил қилишни кўзда тутяпмиз. Бунинг учун моддий база, миллий салоҳият кучли бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, ҳукуратимиз бизга Ўзбекистон шаънини улуғлашга қодир фарзандларнинг камол топтиришдек гоят масъулиятли вазифани юклаган экан, уни шараф билан адо этишда куч-гайратимизни сира аямаймиз.

Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош:
Н. УСМОНОВА

Шу сонга хабар

ИСТЕЪДОДЛАР УПКАСИДИР. ҲУР ЎЗБЕКИСТОН

Ўлғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Жамғармаси Ўзбекистон Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, Республика Телерадиокомпанияси ва Муҳтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси билан ҳамкорликда "Истеъдодлар ўлкасидир, ҳур Ўзбекистон" мавзусида Республика ёш ижодкорлар фестивалини ўтказди. Фестивалда Ўлғбек мукофоти совриндорлари, вилотлардан келган ёш ёзувчилар ва бастакорлар иштирок этишди.

Фестивал доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида истеъдодли ёш ижодкорларнинг ёзуви ва шоирлар билан ижодий учрашуви бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пулат Мўмин, Уткир Ҳошимов, таниқли адиблар Йўлдош Сулаймон қатнашдилар ва ёш ижодкорлар билан мулоқотда адабиётчилар олдига турган вазифаларга тўхталдилар, ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Учрашув ёшлар мушоираси билан якунланди. Нарғиз Қосимова, Наима Холматова, Муҳаббат Тўхташ, Ориф Тўхташ, Шохсанам Комилова, Нигор Бону, Феруза каби ёш шоирлар шеърларини ўқидилар.

С. НАГАЕВ

Нашондорларимиз

ЭЗГУЛИККА ОШНО ЮРАК

Кейинги пайларда ҳукуратимиз ёшларга, айниқса ёш истеъдод соҳибларига алоҳида аҳамият бермоқда. Алишер Навоий номидаги Республика давлат академик катта театрининг опера солисти Гулшан Азизова ҳам ёш бўлишига қарамай аксарият мусиқа мухлислари кўнглидан жой топаётган хонандалардан. Бу йил истиқлол айёмининг олти йиллик тантаналари арафасида унга топширилган "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" фахри унвони эса хонанда ижросига берилган юксак баҳо نامунасидир.

Гулшан Азизова болалиқдан мусиқа оламига ошно эди. Ушанда танловда янғроқ овоз билан баралла қўшиқ айтаётган қизча кўпчилиқнинг диққатини ўзига жалб эта олди. Аввал Самарқанддаги мусиқа билим юрти, кейинчалик Москва Давлат Консерваториясиданги ўқиш ва илганишлари натижасида Гулшан мусиқа санъатининг чинакам сир-асрорларидан воқиф бўлди.

Инсон яхшиликка ёндошиб, эзгуликка эш бўлиб, ёруғ кунлар хотираси билан яшайди. Германия, Польша давлатларида ижро этган концерт дастурларини томошбинлар гулдурас қарсақлар билан тик туриб олқишлаган эдилар. Глинка номидаги халқаро танловда ва 1993 йили Россиянинг Пермь шаҳрида ўтказилган ёш опера хонандалари танловида ҳам фахрли иккинчи ўринларни олган Гулшан Азизова ҳаётини санъатсиз тасаввур эта олмайди. Бу шунчаки баландпарвоз, куруқ гаплар эмас.

Истиқлол шарофати билан Европанинг манаман деган санъатшунос мусиқашунослари бугунги кунда Ўзбекистоннинг мумтоз соҳиб йўлидаги катта ашуларарио классик опера санъатини тан олган. Бунда бошқа санъаткорлар қаторида сўзсиз Гулшан Азизованинг ҳам ҳиссаси бор.

Опера доимо жонли ижрони талаб қилувчи мусиқа санъатининг мукамал тури. Қолаверса, у тинимсиз овоз маъни, матн устида ишлашни тақозо этишини ҳисобга олсақ, бу соҳа киши учун қанчалик масъулият юклавётганини пайқаш мушкул эмас.

"Келажакда амалга оширолмоқчи бўлган орзуларим бор, лекин келинг, бу ҳозирча сир. Ўзининг мухлисларим бор экан, бу ёш хонанда учун беҳад катта бахт деб биламан!" - дейди хонанда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулшан Азизова ўз устида тинимсиз ишлашдан, илганишдан сира чарчамайди. Биз эса газетамизнинг барча муштарийлари номидан хонандага янги-янги парвозлар тилаб қоламиз.

НАЗОКАТ

"Оқ олтин" сафари

БАРАКАЛИ КУНЛАР...

Этагини белига маҳкам боғлаб тонг саҳарданоқ далага шошилган ҳашарчи-теримчи қизлар ва йигитлар шийпонга бирин-бирин етиб келишар экан, дув-дув гап тарқалди: "Тошкентдан шоир, ёзувчилар ва санъаткорлар келганмиш"...

казмаймиш" деб ўз қувончини яшира олмади.

Оқунбобоев номли жамоа ҳўжалигининг раиси Турдимурод Тураев гуруҳимизни энг илгор ижарачи Орол ака Оллодустановнинг бригадаси далаларига бошлади. Биз Нилуфар Воҳидова, Нодира Каримова, Гулноз Шоймардонова, Хайринисо Мирзаева, Махфират Турдиевалар каби илгор теримчи ва ҳашарчи ёшлар орасидан "Туркистон" газетасининг ҳамда "Ёшлик" журналининг алаҳдий мухлисларини топиб олдик. Муҳокамалан сўнг бошланиб кетган мушоира қизигандан қизиб кетди. Мушоиранинг энг асосий қисми эгталар орасига кўчар экан, ўз-ўзидан меҳмонлар ва ҳашарчилар ўртасида бошланиб кетган "ким ўзар" мусобақаси ҳаммамизга хузур бағишлади.

Суҳбатдан сўнг хушовоз хонанда Абдурашид Исоқов ижросидаги қўшиқларни мазза қилиб тингладик. Шўхроқлари янграётган бўлаганда даврани кенроқ олиб ҳақиқий пахтакорчасига рақсга тушиб хумордан чиқдик.

Учинчи кун эса... Сафаримиз яна бир айёнга, Қамашни

тумани "Оқрабоб" жамоа ҳўжалигининг Ўлдона Ражабова бошчилигидаги 10-бригаданинг йиллик пахта тайёрлаш режаси бажарилган байрам кунига тўғри келди. Биз бу муваффақиятдан бригадир опадан-да кўра кўпроқ ҳаяжонландик ва қисқа фурсат ичида ушбу табрик шеъримизни тайёрладик:


Чавоқларда кулсин бахтим дедимиз,
Ҳамини ташвишлар тўрида юрб.
Бугун "хайрият" деб нафас олдиниз,
Раис бува келди тамоғини қириб.

Ҳосил мўл. Ҳаммада қайғити аъло,
Сиз эса қўймайсиз ҳауз ниятин.
Ахир эртага ҳам тамоғини қириб,
Раис бува сўрар мажбуриятин.

Азиз муштарийлар!

"Туркистон"га обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз: ташкилотлар учун-204; яқка тартибдаги обуначилар учун-203, "Туркистон" Сиз билан бирга!



УЗОҚНИ КЎЗЛАЖАН АДАШМАЙДИ

Маълумки, Республикаимиз Президентининг бозор иқтисодиётини жадаллаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш борасидаги қатор маърузалари, фармонлари, шунингдек Вазиirlар Маҳкамасининг шу хусусдаги қарорларини бажариш юзасидан қилинган бир қанча амалий ишлар ўз рўббни кўрди. Республикаимизнинг қатор вилоятларида, шаҳар ва туманларда ҳарбий сармоядорлар ёрдамида қўшма корхоналар ташкил этилди, мулкни давлат тасарруфидан чиқарган ҳолда хусусий мулкчилик ривожлантирилди. Натijasида ишлаб чиқаришда янгилик, айниқса, бозор муносабатларига ҳос ва мос маҳсулотлар тайёрлаб бериш ва аҳолига етказишда бир мунча ютуқларга эришилди.

Яқинда муҳбиримиз мазкур масала юзасидан Наманган вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиги Ҳабибулла АБДУРАҲИМОВ билан мулоқотда бўлиб, ундан амалга оширилган ишлар борасида сўзлаб беришни сўради.

ҲАБДУРАҲИМОВ: -- Бошқармаимиз "Давлат мулкни хусусийлаштириш ва мулкчиликнинг нодавлат шаклини ривожлантиришда давлат мулкни қўллаб-қувватлаш бўлими"нинг қўли остида 7 та Президентимиз Фармонлари ҳамда Давлат мулкни қўллаб-қувватлаш бўлими қўжатлари асосида бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда. Бозор иқтисодиёти муносабатларида кириб боришда мулкчилик шаклининг кенгайтириши, хусусийлаштиришнинг ривожлантириши муҳим ўрин тутади. Бу боралдаги ҳукумат қарорлари ҳаётга табиқ этила бошланган бери фуқароларда мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам бир мунча кўпайди. Бунинг натижасида амалга оширилган ишлар натижасида кўришимиз мумкин.

1997 йил давомида белгиланган Давлат дастурига асосан жами 73 та корхона ва шохобчаларни хусусийлаштириш, мулкчиликни бошқа шаклларида ўтказиш режалаштирилган. Утган ойлар мобайнида 66 та объект хусусийлаштирилиши лозим бўлган бўлса, амалда 68 та объект мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтказилди. Учинчи чоракда 20 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилиди. Давлатга қарашли бўлган мулклар "Ким ошди", "Танлов" савдоларига қўйилиб, 72 та ўринга 218 та корхона ва бинолар сотилди. Амалдаги режа эса 187 фоизга бажарилди.

МУХБИР: -- Президентимизнинг ердан фойдаланиш самардорлигини ошириш борасидаги Фармонида асосан бажаришда ишлар юзасидан нимага дея олдиз?

ҲАБДУРАҲИМОВ: -- Шу вақтгача қабул қилинган барча қонун ва қарорлар ҳалқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга қаратилмоқда. Ер мулкчилигини шакллантириш, аҳолининг уй-жой қуришга ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжалигини ривожлантиришга ёрдам бериш мақсадида ер майдонларини "Ким ошди" савдосига қўйиш ва сотиш бўйича ҳам 25,1 миллион сўмлик савдо ишлари амалга оширилди. Бу фуқароларнинг уй-жой шартлоларини яхшилашлари, томорқа ҳўжаликларини, экин майдонларини кенгайтиришда ҳукумат томонидан қатта имтиёзлар яратилди деганидир. Натijasида деҳқончилик ривожланди, аҳолининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эътиборини таъминлашга асос вужудга келди. Ҳозир вилоятимизда маҳсулдорлик аввалги йилларга нисбатан ўсиб, фуқаролар, айниқса, ёшларимизни ер билан боғлиқ бўлган иш билан таъминланиши даражаси қўндирилди.

Шунингдек, экин майдонларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш мақсадидаги барча амалий чора-тадбирларимиз ҳозирги кунда ўз самараларини бераётир. Бозорларда арзон мева-сабзавот, боғдорчилик маҳсулотлари кўпайди. Эндиликда амалга ошираётган ишларимиздан яна бири вилоятда турли саноат тармоқларида, савдо шохобчаларида хизмат этувчи, аниқроғи, бу тизимдан баракали фойдаланиш мақсадида қурилиш учун майдонлар ажратишга ҳам эътибор қўйилган. Шахсий уй-жой қурилишларидан ташқари савдо-саноат ишлаб чиқариш тармоқларини янада кенгайтириш мақсадида ўтган ойлар ичида "Ким ошди" савдосига 1604 та ер майдони сотишга қўйилди ва улардан 62,23 миллион сўмлик маблағ давлат назарига туширилди.

МУХБИР: -- Вилоят миқёсида таҳлиллар шуни

кўрсатадики, Наманганда кичик ва хусусий корхоналарнинг ташкил этилишига аҳоли томонидан эҳтиёж катта экан. Шунга кўра мазкур масалани ҳаётда бошқарма қандай муносабатда бўлмоқда?

ҲАБДУРАҲИМОВ: -- Тўғри, иқтисодий ислохотлар жараёнида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш турли ишлаб чиқаришни кент миқёсда олиб бориб бўлмайди. Шу ўринда кичик ва ўрта корхоналар, деҳқон фермер ҳўжаликларини юксалтиришга қанчалик кўпроқ аҳамият берсақ, аҳолига ҳам, давлатга ҳам фойда. Бошқарма шуни эътиборга олиб, мазкур вазифани тўлақонли амалга ошириб келмоқда, деб ҳисоблайман. Кейинги ой маълумотига қараганда, вилоятда 600 та кичик ва хусусий корхона ташкил этилиши режалаштирилган. Учинчи чорак сарҳисобига кўра 285 та кичик хусусий корхона вужудга келтирилди. Ҳозирги кунга келиб 166 та деҳқон-фермер ҳўжалиги мавжуд, кичик корхоналар сони эса 122 га етди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга маҳаллий ҳокимият томонидан моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Уларнинг оёққа туриб олишлари, ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишлари учун маҳаллий хом ашё, қурилиш буюмлари, асбоб ускуналар билан таъминлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эса аҳолига сотиш ишларини енгилаштириш мақсадида 95 та майда улгуржи-воситачи дўконлар, 14 та супермаркет дўконлари шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркорларимиз биржа, яъни савдо кўргазмаларида фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг бозор талабларини ўрганишлари учун имкониятлар яратилган. Утказилган савдо кўргазмаларидан тушган маблағлар эса хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида фойдаланилмоқда. Бу тизимдаги фаолият учун 403,8 миллион сўмлик шартнома имзоланган.

МУХБИР: -- Бозор муносабатларида кириб бориш ва аҳоли эҳтиёжини қўндиришда маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун албатта, хусусий корхоналарга мутахассислар ёрдами керак. Алар мутахассислар бўлмаса иқтисодиётда ўзгартириш бўлмайди. Шунга кўра вилоятда мутахассислар тайёрлашга етарли эътибор қилинган деб ҳисоблайсизми?

ҲАБДУРАҲИМОВ: -- Инкор этиб бўлмайди. Бозор иқтисодиётидаги муаммолар мутахассислар билан ҳал этилади. Ишлаб чиқаришни ўсиши ҳам уларга боғлиқ. Президентимизнинг бу боралда қилган таъйинлаш ва улардан унумли фойдаланишга бағишланган маърузаларида ҳам ана шу масалани алоҳида тўхтаганлигининг боиси шунда. Эртанги иқтисодимизнинг тақдир қадрларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам биз ёшлардан етуқ мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берганмиз. Шу кунгача вилоятимиз бўйича 144 нафар мутахассисимиз ўз малакаларини оширдилар. Бозор муносабатлари, мулкчилик шаклланишининг ўзига ҳос қонунчилигини ўрганишлари, ёшларни ўқитиш, аниқгина хом ашё биржалари бўйича мутахассислар тайёрлаш юзасидан махсус ўқув курслари ташкил этилган. Бу курсларни тамомлаганларга ҳўжатлар берилмоқда.

Айни чоғда Президентимизнинг "Давлат мулкни бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қўғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, шунга мувофиқ ҳукумат қарори асосида олдинга қўйилган вазифаларни ҳам бажариш юзасидан анчайин ишларни амалга оширдик. Бунда ёш мутахассисларимизнинг меҳнат фаолияти самарали бўлди.

Хулоса қилиб айтганда бошқарма олдида ҳали амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўп. Улар ҳалқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Иқтисодий ислохотларни жадал суръатлар билан амалга ошира бориб, муштақиллигини ҳар жиҳатдан муштақамлаб боришга хизмат қилаверамиз.

СКАУТЧИЛАР — ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси ёшларнинг "Камолот" жамғармаси умумжаҳон скаутлик ҳаракати ташкилотига аъзолари билан тўрт кўнлик семинар ўтказди. Унда республиканинг барча вилоятларидан ёшлар билан ишлаш муассасаларининг аъзолари иштирок этиб скаутлик ҳаракати ҳақида етарли маълумот олдилар. Семинар ишида Туркия, Франция ва Россиядан таширф булган скаутчилар иштирок этди.

Биз умумжаҳон скаутлик ҳаракати директори Гүлнора Кафановани бу ҳаракат ва унинг ўзбекистондаги фаолияти ҳақида гапириб беришни иттимос қилдик.

— Скаутлик ҳаракати ихтиёрий, носийсий ва тарбиявий руҳдаги ёшлар ҳаракати ҳисобланади. — Роберт Боден-Поуэлл томонидан 1907 йили ташкил этилган скаутчилик ҳаракати 1922 йили омаллашиб, шу йили Франциянинг Париж шаҳрида халқаро скаутлик конференцияси ташкил этилди. Скаутлик ҳаракатининг мақсади ёшларни ҳар томонлама камолотга етиштиришда ёрдам бериш, уларнинг шахс сифатидаги маъсулиятини, шунингдек, маҳаллий, миллий ва халқаро жамоатлик аъзолари сифатидаги жамоатчилик руҳини кенгайтиришда кўмаклашишдир.

Биз жуда кўплаб мамлакатларда бўлди, ammo ўзбеклардек меҳмоннаво ҳалқини ҳеч ера учратмадик. Ўзбекистонда ёшлар учун бор имкониятларни яратилаётганлиги тахминан лойиқ. "Камолот" чилар иши ҳам бизни қувонтириди. Утказилган семинарнинг асосий мақсади ўзбекистонда ҳам скаутлик ҳаракатини ташкил этиш. Ҳозир бу ҳаракат дунёнинг 150 дан ортиқ ривожланган мамлакатлари ёшларнинг ўшқиндорлиги айланиб, Уйлайманки, ўзбекистонлик ёшлар ҳам скаутнинг энг фаол иштирокчиларидан булдилар.

ЛАЙЛО, ўз муҳбиримиз

Дастлабки битирувчилар

Жиззах Ҳарбий учувчилар тайёрлаш олий билим юртини дастлабки ўқувчилар битириб чиқди. Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, халқаро барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр ёш учувчиларни ҳарбий хаво кучлари сафига қурайтиш маросими бўлди. Унда вилоят ва шаҳар жамоатчилиги вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Республика Мудофаа вазири Х.Турсунов битирувчиларга тантанали равишда диплом ва ҳарбий лейтенант гувоҳномаларини топширди. Мустақил мамлакатимизнинг дастлабки ҳарбий учувчилари Ватанимиз шон-шухратини ошириш, тартимс осийшталлигини сақлаш учун берган қасам-ёлларига ҳамшиша солиқ бўлиб қолишга сўз бердилар.

Маросимда вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев қатнашди.

Йўлчи ЖўРА, ўзА муҳбири

Мана, ниҳоят миллионлаб ўзбек атомобилчилари, саноатчилар, қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқлари, шахсий автотранспорт эгалари орзиқиб кутган кун этиб келди. Муштақил юртимизнинг юқори оқимли автотранспортининг биринчи тонналари Бухоро нефтининг қайта ишлаш заводидан истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Муҳбиримиз пойтахт шаҳар ва вилоят нефт маҳсулотлари таъминоти корхонаси раҳбари Фаттох ИБРОҲИМОВ билан учрашиб, корхона фаолияти, унинг қўлга киритилган ютуқлари, олдида турган муаммолар ҳусусида сўхбатлашди.

— Корхонамиз ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз. — "Тошнефтмаҳсулот" корхонаси бугунги кунда ўзининг Қибрай, Чинобол, Кучлук ва Бекобод нефт базалари, ёқилги қўйиш шохобчалари орқали Тошкент шаҳар ва вилоятнинг автотранспорт эгаларини 48 турдаги нефт маҳсулотлари билан улзукис таъминлаб келмоқда. Уларга кунига бир неча юз тонна автотензин, дизел ёқилгиси, юзлаб тонна мазут, битум, керосин, автоёқилги, бир неча хил мойлар, сурков маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Вилоят ва пойтахтдаги шахсий автотранспорт эгаларининг ўзингача кунига 21 миллион сўмлик, миллион литрдан ортиқроқ автотензин етказиб берилди.

Денрли барча ёқилги қўйиш шохобчаларимиз ҳудудда мой алмаштириш, автотензин кўрсатиш нуқталари, магазинлар хизмат кўрсатмоқда. Бухоро нефтининг қайта ишлаш заводи қурилиши баробарида "Ўзбекнефтьгаз" миллий корпорацияси, "Ўзбекнефтмаҳсулот" ҳиссадорлик бирлашмасининг амалий ёрдамлари натижасида республикамиздаги барча нефт базалари, қўйлаб ёқилги тарқатиш шохобчалари замонавий таълаблар асосида қайта таъмирланди, янгилаштирилди. Уларнинг ҳар бирида Бухоро заводи маҳсулотларини алоҳида қабул қилиш, сақлаш ва истеъмолчига етказиб бериш ишлари ниҳоятга етказилди. "Тошнефтмаҳсулот" корхонасига келмас тасарруфимиздаги тўрт нефт базаси, 42 ЕТШ си бунга тайёр бўлиб турибди.

— Фаттох Ўйбеёвич, сизнингча пойтахтимиз ва вилоятда нефт маҳсулотлари билан таъминлаш ишида қандай камчиликлар, нуқсонлар мавжуд, буларни бартараф этиш йўллари қандай?

— Биринчидан, куннинг маълум соатларида айрим нақд пулга савдо қилувчи ЕКШларидан пайда бўладиган навбатлар. Бунинг сабаби Тошкентдек шаҳри аздамига қуввати бир кеча-кундузда 22-25 минг автомобилга хизмат қила олувчи ёқилги тарқатиш шохобчаларининг етишмаётганлигидир. Пойтахтимиздаги шахсий автотранспорт сони эса шу йилнинг 1 июнигача салкам 190 минга етган. Бундан ташқари корхона ва ташкилотлар ўзларига тегишли турли автотранспорт воситаларидан қандайдир 10 мингга ижарага бериб, ёқилги билан таъминлаш бозор жағмармаси ҳисобидан амалга оширилатгани, кунига шахримизга кириб ўтувчи (транзит) бир неча ўн минг меҳмоннинг автомобилларини ёқилги билан таъминлаш зарур.

Иккинчидан, мавжуд нақд пулга савдо қилувчи 40 та шохобчанинг яримдан кўпи хусусийлаштирилган. Ушбу шохобча эгаларининг барчаси ўтказилган аукцион, танловлар вақтида юқори сифатли автотензинни қўйлаб миқдорда келтириш, шохобчаларни ўзлари тула таъминлашни ваъда қилганлари ҳолда, бугунга келиб, масалан, "Виртех-Ойл" 3740 тн, "Нефтсервис" 2449 тн, "Ўзпетрол" 1114 тн ёқилги келтирган бўлсалар, қолганлари четдан бирор тонна ёқилги келтирмай, аввалгиларидан четдан нарҳда олиб, устига ўз ҳаражатларини қўшиб қимматроқ нарҳда сотишлари натижасида моллари харидоригр бўлма қолмоқда. Ҳозир уларнинг кўпчилиги ёқилгини асосан бизнинг нефтбазаларимиздан олиб сотишмоқда. Айрим фирмалар эса хусусийлаштирилган ЕТШларини бир мунча вақтдан бери ишлаш-май келмоқдалар.

Жумладан: "Штейнер", "Петролекс-Азия", "Фарзандлар", "Саида" фирмасига, "Ўз Петрол" қўшма корхонасига қарашли ЕТШлар. Бир қатор хусусийлаштирилган шохобчалар, айниқса вилоят ҳудудида жойлашганлари иш тартибига риоя қилмай, хоҳлаган вақтларида шохобчаларини очиб, хоҳлаганда ёпиб қўймоқдалар. Бу эса харидорларга қийинчилик туғдириб, давлат тасарруфидати

ЕТШларидан навбатлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Яна бир масала: бу нефт маҳсулотлари сифати, унинг харидорга берилаётган миқдори бўйича буладиган гап-сўзлар.

Бунинг объектив сабабларидан бири, шу кунгача Республикаимизда асосан оқтан сони пастроқ бўлган А-72, 76 автотензинлари, сифат кўрсаткичлари жаҳон андозаларига нисбатан пастроқ бўлган дизел ёқилгиси ишлаб чиқарилганидир. Юқори оқимли автоёқилгига мўлжалланган автомашиналарда эса бу фарқ дарров сезилиб қолади.

Минг бор шукрлар бўлсинки, Бухоро нефтининг қайта ишлаш заводи ишга тушиши билан салкам бир ойдан бери нефт базаларимизга юқори сифатли дизел ёқилгиси қабул қилиниб, истеъмолчиларга етказиб берилаётган эди. Бугунга келиб биз юқори оқимли А-93 автотензинини қабул қила бошладик.

Масаланинг иккинчи томони, соҳамизда учраб турадиган (ёқилги сифатини қасдан бузувчи, харидор ҳақида хиёнат қилувчи) қўли эгри нопок ходимлар. 1996-97 йилнинг ўтган даврида нефт база ва ёқилги тарқатиш шохобчалари корхонамиз мутахассислари, ташкилотлар томонидан 635 марта текширилган бўлса, шундан 5 ҳолда ёқилги сифати бузилгани, 7 ҳолатда харидор ҳақида хиёнат қилингани аниқланган.

ТАҚЧИЛЛИК БЎЛМАЙДИ

Денрли барча ёқилги қўйиш шохобчаларимиз ҳудудда мой алмаштириш, автотензин кўрсатиш нуқталари, магазинлар хизмат кўрсатмоқда.

Бухоро нефтининг қайта ишлаш заводи қурилиши баробарида "Ўзбекнефтьгаз" миллий корпорацияси, "Ўзбекнефтмаҳсулот" ҳиссадорлик бирлашмасининг амалий ёрдамлари натижасида республикамиздаги барча нефт базалари, қўйлаб ёқилги тарқатиш шохобчалари замонавий таълаблар асосида қайта таъмирланди, янгилаштирилди. Уларнинг ҳар бирида Бухоро заводи маҳсулотларини алоҳида қабул қилиш, сақлаш ва истеъмолчига етказиб бериш ишлари ниҳоятга етказилди. "Тошнефтмаҳсулот" корхонасига келмас тасарруфимиздаги тўрт нефт базаси, 42 ЕТШ си бунга тайёр бўлиб турибди.

— Фаттох Ўйбеёвич, сизнингча пойтахтимиз ва вилоятда нефт маҳсулотлари билан таъминлаш ишида қандай камчиликлар, нуқсонлар мавжуд, буларни бартараф этиш йўллари қандай?

— Биринчидан, куннинг маълум соатларида айрим нақд пулга савдо қилувчи ЕКШларидан пайда бўладиган навбатлар. Бунинг сабаби Тошкентдек шаҳри аздамига қуввати бир кеча-кундузда 22-25 минг автомобилга хизмат қила олувчи ёқилги тарқатиш шохобчаларининг етишмаётганлигидир. Пойтахтимиздаги шахсий автотранспорт сони эса шу йилнинг 1 июнигача салкам 190 минга етган. Бундан ташқари корхона ва ташкилотлар ўзларига тегишли турли автотранспорт воситаларидан қандайдир 10 мингга ижарага бериб, ёқилги билан таъминлаш бозор жағмармаси ҳисобидан амалга оширилатгани, кунига шахримизга кириб ўтувчи (транзит) бир неча ўн минг меҳмоннинг автомобилларини ёқилги билан таъминлаш зарур.

Иккинчидан, мавжуд нақд пулга савдо қилувчи 40 та шохобчанинг яримдан кўпи хусусийлаштирилган. Ушбу шохобча эгаларининг барчаси ўтказилган аукцион, танловлар вақтида юқори сифатли автотензинни қўйлаб миқдорда келтириш, шохобчаларни ўзлари тула таъминлашни ваъда қилганлари ҳолда, бугунга келиб, масалан, "Виртех-Ойл" 3740 тн, "Нефтсервис" 2449 тн, "Ўзпетрол" 1114 тн ёқилги келтирган бўлсалар, қолганлари четдан бирор тонна ёқилги келтирмай, аввалгиларидан четдан нарҳда олиб, устига ўз ҳаражатларини қўшиб қимматроқ нарҳда сотишлари натижасида моллари харидоригр бўлма қолмоқда. Ҳозир уларнинг кўпчилиги ёқилгини асосан бизнинг нефтбазаларимиздан олиб сотишмоқда. Айрим фирмалар эса хусусийлаштирилган ЕТШларини бир мунча вақтдан бери ишлаш-май келмоқдалар.

Жумладан: "Штейнер", "Петролекс-Азия", "Фарзандлар", "Саида" фирмасига, "Ўз Петрол" қўшма корхонасига қарашли ЕТШлар. Бир қатор хусусийлаштирилган шохобчалар, айниқса вилоят ҳудудида жойлашганлари иш тартибига риоя қилмай, хоҳлаган вақтларида шохобчаларини очиб, хоҳлаганда ёпиб қўймоқдалар. Бу эса харидорларга қийинчилик туғдириб, давлат тасарруфидати

Газеткорларимиз амин бўлишсинки, бундай ҳодимларнинг ҳар бири ўз вақтида жаозасини олиб, соҳа эшиги улар учун берkitиб қўйилади. Масалан, мана шу охириги иккинчи йилнинг ўзида 35 ҳодим вазифасидан озод қилинган, 407 ҳодимга маъмурий жаза берилган.

Лекин шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Халқимизда "Ўзинга эҳтиёт бўл, қўшининг ўғри тутма" деган мақол бор. Бунинг келтирилган мақсад, ЕТШ лардаги ҳар бир тарқатиш устунида давлат стандарти ҳодимлари томонидан муҳрланувчи ҳисоблагичлар бўлиб, ҳар бир устунга "Муҳтарам харидор, олаётган ёқилги миқдорини ҳисоблагичга қараб олинг" деб ёзиб ҳам қўйилган. Афсуски, фақат саноқитинга ҳолларда харидорларимиз бизга ёки бошқа текширувчи ташкилотларга мурожаат қилдилар.

Кейинги вақтда бир қатор текширувчи ташкилотлар нефт маҳсулотларини бизнинг базаларда қабул қилиниб, сақланиб ташкилот, ҳўжаликларга борғунча бўлган аҳолини ўрғаниб чиқдилар. Натijasи шунки кўрсаткич, нефт заводида, бизнинг базаларда ёқилги сифати сақланган ҳолда айрим нефт омборларидан уларнинг сифати бузилиши ҳоллари аниқланган.

Қўпчилик ташкилот, айниқса қишлоқ ҳўжалигиде нефт омборларининг техник талабларга жавоб берамайдиган ҳолатида эса сифатли ёқилги ва мойлаш материалари ўз-ўзидан сифат кўрсаткичларини йўқотиб қўяди. Бизнинг базаларда, ЕТШларда ёқилги ҳар кунни назорат қилиб борилади ҳолда, ташкилот, ҳўжалик омборларидан ва масалга эътибор даярли йўқ ҳолатда.

— Шаҳримиз халқа йўли, турли қўчалар, маҳалла-хонадонларда турли сифмалардаги идишларда локоний равишда сотилаётган автотензин ҳақида нима дейсиз?

— Бизда жойиб, ишонувчан автотранспорт хайдовчилари бор. Улар пақоқланган, сифимизнинг тайини йўқ, ҳеч бир ерда текширувдан ўтмаган ёқилгини четдан келтирилган А-80, АИ-93, АИ-95 деб айта, ҳар бир литрини 40 сўм, 60 сўмгача сотиб олаверишди. Ваҳоланки, юқорида келтирганимиздек, шаҳар бўйича хусусийлаштирилган 20 дан ортиқ ЕТШлар эгалари чегараланган миқдорда четдан ёқилги келтирса эди, бензинворуш-канистрачилар ўз-ўзидан тугаб кетарди. Улардан ёқилги олиб двигателларини ишдан чиқараётганларининг эса сони ортиб бормоқда. Бундан ташқари четдан айрим фирмаларига кунуний қалқондан, бизнинг нефт заводимиздан темирйўл сиймаларида келтирилатган мойлар мой тарқатиш нуқталари, фирма магазинларида сотилаётган пайтда автотранспорт эгалари қўчаларда минерал сув, турли ичимликлардан бўшган пластик идишларда мой деб сотилаётган суоқликни сотиб олаётганлари эса умуман тушунарсиз.

Ушбу қонунбузарлик ҳоллари бўйича тегишли ташкилотлар, солиқ бошқармалари билан доимий текширишлар ўтказилиб, бундай ҳолларга чек қўйиш чоралари қўрилмоқда.

ШУ СОҒА ХАБАР

АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ


Кун кеча Мирзо Улўбек номидаги Тошкент Давлат Университетида "Ўзбек адабиётини ўқитишни долзарб муаммолари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Халқаро илмий-амалий анжуманда Туркия, Эге университетидан, қардош республикалардан, республикамизнинг бир қатор нуфузли университетларидан олимлар, профессор ўқитувчилар, фан номзодлари, аспирант ва талабалар иштирок эттишди.

Анжуманни Тошкент Давлат Университети ректори академик Т.Долимов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг сўзга чиққан Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг муовини Қ.Аллаев олий ўқув юртиларда ва мактабларда таълим тизимида рўй бераётган бир қатор янгиликлар ва таълим тизимидаги муаммолар ҳусусида гапирди. Нотикдан сўнг сўз олган муҳтарам домла О.Шарафидинов ўзбек адабиётининг ўқитишда учрайдиган муаммолар ҳусусида кўйиниб гапирдилар. Адабиёт ўқитувчилари эски собиқ Совет устулдан кечиб фанда кескин бурилиш ясашлари кераклиги ўқитиб ўтиди. Адабиёт ўқитиш методикаси ҳозирги кунда талаб даражасида эмаслиги ҳақида фикрлар айтилди. Шундан сўнг ўзбек филологияси факультети декани А.Расулов ва бир қатор олимлар сўзга чиқиб ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Анжуман сўнгиде биз филология фанлари номзоли доцент О.Мадаевдан анжумандан олган таасуротлари ҳақида ўртоқлашишни сўрадик.

Ўқитишнинг долзарб муаммоларига бағишланган эди. Бу боралда муаммоларимиз ҳали жуда кўп. Чунки собиқ совет тузумида мактабларда, олий ўқув юртиларда ўзбек адабиёти фақат Х.Х. Ниёзий, С.Айнинг, А.Қаҳқор, Уйғун ва ҳожазо ёзувчилардан иборат деб ўқитиб келинди. Лекин Бокхоровий, Ҳувайдо, Сўфи Оллоёв, А.Ясавий, Амриий, Феруз каби шоир ва ёзувчиларимизнинг ихидини ўрғаниш мумкин эмасди. Муштақиллигимиздан кейин ўғмиш адабиётини ўрғанишга кенг йўл очилди. Ҳозирги кунда биз асосий эътиборни, собиқ совет тузумида ўрғанилган ёзувчиларга қаратишимиз керакми? Ёки у даврда ижоди ўрғанилиши мумкин бўлмаган ёзувчи — шоирларга қаратишимиз лозимми? Бугунги анжуман мана шу муаммоларни ҳал этиб бериши керак. Булардан ташқари биз дунё стандартига жавоб бера оладиган мутахассисларни етказиб беришимиз керак. Бунинг учун ўзбек адабиётини ўқитиш услубини тубдан янгилаш лозим бўлади.

Мухра


ЮРАСИМНИ ЧЕРТИДИНИЗ



Этроклари ҳар қатна... Мабарласа-га, дарахти... Дардларини ҳар қатна... Айтмайди мендек... Қозғоқ устидан... Қатангак бошқа.




Ҳазонлар-хакисор шоир кўзини... Ҳазин шеърлари... Уштинлардан... Мухиб солади пойманга... Миссиз ҳайтон-шало.




Қар ёлмоқда раққоса қор... Мушайтир кўкдан фаршима... Бешаданин гонқилмақ... Бешаданин боштин... Сўйиб ҳар қатна... Қўнқоқнайди у... Қўнқоқнайди у...




Ишк кўрасидан қўтайиб... Бир ниҳоз зарби билан... Ҳарқилнинг шўнлиги... Чертқилниг дук-дук...



Ишк кўрасидан қўтайиб... Бир ниҳоз зарби билан... Зағалоб оғабилни... Олиб кейдикигиз-ку... Эҳфикигизга ишб бемон.



Қўнқоқнайди у...




Қўнқоқнайди у... Қўнқоқнайди у... Қўнқоқнайди у...



Мабарласа тўнғи қор... Мабарласа тўнғи қор... Мабарласа тўнғи қор...



Аҳиб томоша итқарига қаш... Машқарида эса... Ҳидрофос қарсақ ёлар...



Мук қўнқоқ... Ой ҳам боғлар... Ойр ҳқиб орақка...



Шермурод СУБҲОН

“ДЎСТИМ МЕНГА ҚЎЛ КЎТАРДИ”

“Ёшлар ҳуқуқи — келажак таъғни” ташаббуси... Меҳр-оқибат... одамийлик, бир-бирга ҳурмат... Бу сўзлар жуда кўп марта такрорланган, жамоат йиғилишларида, узаро баҳс-мунозараларда тилга олинди, ёшларнинг тарбиясида ана шу ҳислат етиштирилганлиги айтади келинади.

қилиқбозлик орқасида. Ҳадисларда ичкилик ичиш гуноҳ дейлади. Гуноҳи азим саналган майхўрлик, ароқхўрлик қанчадан-қанча оилаларга раҳна солганлигини, фожеаларга олиб келганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу бир тарафдан жамият қонуниятларига менамаслик билан қараш бўлса, иккинчи томондан инсоний ҳис-туйғуларга, ахлоқ меъёрларига ҳурматсизликдир. Меҳр-оқибатнинг, одамийликнинг йўқлиши ҳам

Мухиддин Мақсудов деган шахслар ҳам аслида жамоат тартиб қоидаларини буздирилган йигитлар эмас. Уларнинг айби яна ўша биз айтган иллат — ичкиликбозлик натижа-сида “шер” бўлиб кетиши ва пул топши илтижога ўтири-либ қилиш. Ўз-ўзидан равшанки, жиноят қандай қўламда бўлишдан қатъий назар ўз хотимасини топади. Номлари зикр этилган шахслар ҳам бировнинг ҳондонига тушган-лари учун суд томонидан жазоландилар.

Мухбиримиз билан суҳбатда Тўрақўрғон туман суди-нин раиси Илҳомжон ЭРҲАШИЕВ ана шулар ҳақида фикр юритиб, қўнқоқларини сўзлаб берди: -- Болалар уришиб қолишди. Уларнинг жанжа-лига сабабчи бўлган нарса жуда оддийгина: буюм, та-лашиб қолишганди. Бир-бирига сўз бермас, катталар-дай узаро ҳақоратли сўзлар билан гап талашиб, юмла-лашиб қардиди. Уткинчилар эътибор беришмайди. Аф-тидан, бола бола-да, яна ярашиб кетишди, -- деган тушунчага боришса керак. Ҳақиқатан ҳам улар ярашиб кетишди, лекин болалар кўнглида бемехрлик ҳисси пай-до бўлиб, бора-бора улгайганларига узларидан бошқани тан олмайдиган, на катта, на кичикни ҳурмат қилмайдиган туғу билан яшашга ўрганиб қолишлари ҳеч ким-нинг ҳаёлига келмайди. Биз катталар ўзимизча майда на-рса деб билган тарбия ишининг заррасига ҳам жиддий эътибор бермаганлигимиз оқибатида бемехрлик, ҳурмат-сизлик вужудга келаяпти-ку. Ахир беандиша, тили қўпол, кўрс ва озги “ботир” кишилар осмондан тушмайдилар. Улар ҳам қачонларидир бола бўлишган, ота-оналари, қавму-қариндошларининг лоқайдлиги тўғайди беодоб бўлиб улгайишган.

ана шундан деб биламан. Афсуски, маҳаллалар, қишлоқ жамоаларида ўтказилган давра суҳбатларида “ичкиликни кўтарган ичачи”, деган сийқа гап қўлоққа чалиниб қолади. Йўқ, ичкиликни ўзини ҳурмат қилмайдиган, ўз саломатли-ги қадрига етмайдиганларгина ичачи. Бунга мен мисоллар келтиришим мумкин. Асли ко-сонсойлик бўлган Абдураҳим Дадахонов “Дехқонобод” жамоа хўжалигида яшовчи Юсуфхон Бузуков билан дала шийпонидан спиртли ичимлик истеъмол қилишди. Бошла-нишда хуш кайфият бағишлаган бу улфатчилик охири оқибатда узаро муштлашишга бориб тақалди. Ихтиёрлари шайтон қўлига ўтган йигитлар бир-бирларини дўппошлашди. Ниҳонсизда эса Бузуков тан жароҳати ола-ди ва касалхонага ётқизилади. Мана икки дўстнинг бир-бирига нисбатан бемехрлик, тошбағирлик билан қарашга сабабчи бўлган омили.

оқибатсизлик, андишасизлик иллатлари очик-ошқора, намоён бўлмоқда. Катталар кичикларнинг муомала маданиятига жиддий эътибор беришлари керак. Айниқса, ўқитувчилар ўқувчи-ларнинг тил хусусиятларига ҳар жиҳатдан эътибор бе-риб, сўзлашиш, суҳбатлашиш қоидаларини ўргатиб бо-ришлари зарур. Шундагина ахлоқсизликнинг бир қадар олди олинади, жамоат эътирозига сабаб бўлувчи иллат-ларга барҳам берилади. Қолаверса, юқорида зикр этилган жиноий ҳолатларга ҳам чек қўйилади. Бу бир нуқтаи назар ҳолос. Ахир ҳалқимизда “Ҳар бир нарсанинг индаллоси тарбиядан” деган гап бор-ку! Дарахнинг тўғри ва ўқтам ўсиши учун ниҳоллигидан парвариши рисоладагидек амалга оширилгани сингари ёшларимизнинг ҳалол ва покиза, ичкиликбозликдан ҳоли, дўстига меҳрибон ҳамда мурувватли, жамоатга ҳурмат билан қараш ҳиссида яшашга ўргатиш учун уларни бола-ликдан эзгуликка тарбиялаш керак.

Суҳбатдош Н.АЛИМОВ, “Туркистон” мухбири

“Бухороқоракўл” ҳисса-дорлик жамияти жамоаси Бухоро Давлат озиқ-овқат ва энгил саноят технологияси олий билимгоҳи мутахассис-лари билан биргаликда Бухоро шарифининг 2500 йиллик

миллийлиги кишини ўзига ром этади. Янги буюмлар шариф шаҳарнинг тўйи кун-ларида савдога чиқарилади, меҳмонларга эса соғва сифа-тида улашилади. Н. АСЛОН

СОВГА ТАЙЁРЛАНДИ

“КАМОПОТ” ДА ЖУРНАЛИСТЛАР УЧРАШУВИ

Республика ёшларнинг “Камолот” жамғармаси Навоий вилоят бўлимида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда келажакимиз бўлган ёшларга эътиборни қаратиш, уларнинг муам-моларини ечишда кўмакдош бўлиш, маҳаллий ва республика нашрларига обунани ташкил этиш масалалари муҳокама этилди.

Сайрлар тасмасида... Кўни кеча шахримизнинг Чилонзор ноҳиясига қарашли 200-йиллик мактабда “Кулгу кечаси” бўлиб ўтди. Кечанга сатира театрининг бир гуруҳ актёрлари ўқувчиларимизга яхши кайфият улашиш мақсадида ташриф буюрдилар. Унда ҳалқимизнинг севили актёрлари Хайрулла Саъдиев, Луиза Назарова, Хусан Мусабоев ва Асрор Тошкентбоевлар ўзла-рининг ҳажвий сахна кўринишлари, қизиқ-қизиқ хангома-лари ҳамда жойибалдор кўшиқлари билан ўқувчиларни хушнуд қилдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ёшларнинг “Ка-молот” жамғармаси вилоят бўлими раисининг биринчи муовини Камолдин Юсупов сўзга чиқиб, шу кунгача амалга оширилган ва кўзда тутилган ёшлар тақдирини билан боғлиқ ишлар ҳақида сўзлади. Шунингдек маърузачи янги иш ўринларини очиб, айниқса, Қонимек, Томди, Учқудуқ туманларида янги кичик корхоналар қўриш борисда ҳоким-ликлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Кеча тугагач, ўқувчилар ўзлари севган актёрлар билан яқиндан суҳбатлашдилар ва ўзларини қизиқтирган саво-ллар билан мувожаат этидилар. Актёрларимиз эса уларни ўқиш

ЯКНАБОҒДА БАЙРАМ БЎЛДИ

“Камолот” ёшлар жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими ташаббуси ва вилоят Хотин-қизлар кўмитаси то-монидан “НАҒСОҒАТ-97” қизлар бешлашувининг якун-ловчи вилоят босқичи Яқнабоғда бўлиб ўтди. Унда туман-лардан келган ўн уч нафар иштирокчи ўз қобилияти, санъ-атини намойиш этди. Биринчи ўрин Шаҳрисабз туманидан Дилоромхон Кур-боновага берилди. У “Алла” республика кўрик-танлови нишондори ҳамдир. Иккинчи ўринга Китоб туманидан Алишер Навоий номли мактаб ўқувчиси Шаҳзода Шо-қирова эришди. Учинчи ўринга яқнабоғлик Норулло Раҳмонова билан Шаҳрисабздан Нафиса Бобоқуллова-лар лойиқ топилди.

МАКТАБДА “КУЛГУ КЕЧАСИ”... ва ишларида муваффақият тилаб, эсалик учун ўз дастхат-ларини ёзиб қолдирдилар. Бундан ташқари кечанга нафақат мактаб ўқувчилари бал-ки ўқитувчилар ва ота-оналар ҳам ташриф буюришди. Улар мактаб маъмуриятиндан, қолаверса, ўз вақтларини аямай бо-лаларга бироз бўлсада табассум улаша олган актёрлардан жуда миннатдорлар.

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ЛОЙИХА! Чорва тўғини қўнқатириш, семиртириш, чорва маҳсулотларини (тўт, сўк, ичак-чақов ва тери) чиқитиш саранжомлайдиган технологиянинг янги йоғ-лойдисини соти-миз. Мувожаат учун манзил: Навоий вилояти, Қизилтепа шаҳри, Ҳамза кўчаси, 8 уй. тел: 5-32-64

МАКТАБДА “КУЛГУ КЕЧАСИ”... Бундай қизиқарли кечалар нафақат 200-мактаб лицейда, балки шахримизнинг бошқа мактабларида ҳам ёшларимиз-нинг дарсдан сўнг мириқиб дам олишлари учун ана шун-дай имкониятлар яратиб берилса ёш авлодининг янада бар-камол бўлиб етишишида катта аҳамиятга эга бўлади. Муниса ЮСУБОВА

Янги қўшма корхона... АҚШнинг “АГКО” корпорацияси Вице-президентини Норман Ли Бойд раҳбарлигидаги бир гуруҳ мутахассислар Қашқадарё вилоятида бўлди. Маълумки, бу корпорация ҳайдов тракторлари ва унга тиркаладиган механизмлар, турли ўрим-йиғим машиналари ишлаб чиқаради.

ЮПДУЗЛАР САМОДАН СУЗЛАЙДИ

ҚЎЙ-- Ҳафтанинг дастлабки кунлариданоқ ютуқларга эри-шасиз. Пайшанбада хушхабарлар оласиз! Дам олиш кунла-ринингиз эса мароқли ўтади. БУЗОҚ-- Душанбада мўмай даромад топасиз. Сешанбада саломатлиқни асранг. Чоршанба сиз учун муҳаббат кунидир. Жума ва якшанбада эса учрашув бўлиши мумкин. ЭГИЗАКЛАР-- Бу ҳафтада мунажжимлар башоратича муҳим янгиликлар рўй беради. Ишларингиз ривож топади. Жума ва шанбада омадингиз юришмасе хафа бўлманг. Як-шанба сиз учун қувонч келтиради. КИСКИЧБАҚА-- Душанба ва сешанба кунлари муҳим аҳамиятга эга бўлган режалар тузилади. Чоршанбада эса янгилик рўй беради. Ҳафтанинг иккинчи ярни осойишта ўтгани билан якшанбада эҳтиёт бўлинг. Алданиб қолишин-гиз мумкин. АРСЛОН-- Бу ҳафта осойишта ўтади. Сиз учун унумли кун душанба ҳисобланади. Пайшанбада эса учрашув бўлиши мумкин. Дам олишни дўстлар билан ташкил этишни режа-лаштиринг. ПАРИЗОД-- Саломатлиқни асраш ҳамма учун муҳим. Айниқса сиз учун. Пайшанба ва жума кунлари асабийлаш-манг. Чоршанбада пул харжлашга тўғри келади. Дам олиш кунлари уй юмушлари билан банд бўласиз.

ТАРОЗУ-- Душанба мазмунли ишлар билан ўтса, пай-шанба муҳаббат туйғуларига бой бўлади. Сешанба ва чор-шанбада асабий ҳолат бўлади. Шанба тушунмовчилик, як-шанба эса учрашувлар билан ўтади. ЧАЕН-- Душанба ва сешанбада иш кўп бўлади. Чоршан-бада биров билан ҳафалашидан ўзингизни тийинг. Пай-шанба барақали кун. Дам олиш кунлари эса уй-рўзгор иш-лари вақтингизни олади. ҲАҚИҚАТ-- Ҳафтанинг биринчи ва учинчи кунини ишла ютуқларга эришасиз. Иккинчи ва бешинчи кунларда эса асабий ҳолат бўлиши мумкин. Якшанба сиз учун осойишта-ликдир. ТОҒ ЭЧКИСИ-- Ҳафтанинг биринчи ва иккинчи ярни шахсингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этасиз. Кўнглингликдан нарироқ бўлинг. Дам олиш кунингизда қимматбах буюмлар сотиб оласиз. ҚОВҒА-- Биринчи, учинчи ва тўртинчи кунлари кўпгина ишни бажаришга улғурасиз. Сешанба қизиқарли ўтса, жума алданиш кунини ҳисобланади. Шанба дўстлар билан, якшанба эса оилавий можаго билан ўтиши мумкин. БАЛИҚ-- Ҳафтанинг бошланиши ва охири омад кунлари ҳисобланади. Пайшанбада омадсизликдан эҳтиёт бўлинг. Душанба ва сешанба пул топишга қулай кунлар. Жума ва якшанба ажайиб кишилар билан учрашадиган кун.

АЖИБ... ДУШ... Майми шаҳрида (АҚШ) яшовчи Майкл Бонди-нинг рекорди қайтарилмасе керак. Чунки у лойлак сингари бир оёқда ролпаса-роса 2 соати 13 дақиқа тура олганди.

Бельгияда ўтказилган Европо полиглоти кўригида қатнашган шотландиялик 58 ёшли Дерик Херик танлов қолиб деб танилди. Чунки у 23 тилда бемалол гаплаша олади. Қизини шундаки, у тил ўрганиш учун махсус “таълим” олмаган, балки кундалик матбуот, китоблар, ойнаи жаҳондан фойдаланган.

Жанубий африкалик икки қиз ва уч йилги қўйилмақом пирот тайёрланди. Бу пишириқ нақд 37 метрга етади. Бу рекорд Синга-пурнинг “Пицца хат” фирмаси ўрнатган рекорддан 3,1 метр орттир. Антика пирот учун 29 соат сарфланган.

Челябинскда дайди итлар учун меҳмонхона очилди. “Актис” фирмаси очган бу меҳмонхона “дайди” ҳайвонлар учун хизмат қилади. Аммо... ният амалга ошмади. Чунки йўқолган итларни хўжайинлари йўқлаб келмаган, келганлар ҳам меҳмонхона ҳақи учун “моли” дан бош тортмоқда.

Гиннеснинг рекордлар китобига яна бир ном ёзилдиган бўлди. Сербиянинг “ошхоналар пой-тахти” ҳисобланган Лесковац шаҳрида ошпазлар ўртасида ўтказилган мусобақада Новице Станко-вичининг котлети биринчи ўринни эгаллади. Унинг оғирлиги 20 килограмм бўлиб, диаметри 126 сан-тиметрга тенг.

Ўтган йилни худди шу шаҳарда хўрандалар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада бир иштирокчи 2 дақиқа давомида 60 та қўнқаланган қолбаса-ни еб, биринчи ўрини эгаллаган эди.

Туркиялик Камол Ўзқон энг машҳур киши си-фатида таниладиган бўлди. Шу кунгача бир неча ўн минглаб кишилар хизматини адо этиб, савоб орттириб юрган Камолбай яқинда юз мингичи болани суннат қилади. Ушбу маросим Туркияда шу қадар катта қизиқиш уйғотдики, маълумат Президенти Сулаймон Демирел ҳам унда иштирок этишга розилик берди.

Дори қидирмайсиз... И л г а р и вақтларда ақалиш а м о л а ш г а қарши дори топи-мас эди. Бунини ҳам-ма миз. Эндикисда бу бовақош тўн-монлар ҳам бўлди ҳисоб. Намангандаги “Меҳр — шаф-қат” жамоа дори-тонаси аҳолига на-мунали хизмат этиши билан оқинишга сазовор бўлмоқда.

Суратда: (чапдан) Собитхон АБДУХАЕВ билан Олимжон ШЕР-МАТОВлар иш устида

ЗАХ--ХА--ХА...

Хизмат сарфарида юрган эр кун бўйи уйига телефон илтишга уришди. Лекин уйдаги те-лефон доимо банд бўлибди. Тоқати тоқ бўлган эр нотишга телеграмма мунтаибди: “Телефон дастағини жойига қўй!” --Доктор, ўнг оёғи чап оёғидан калла-рок. У шўрли бу аҳволда нима қилсиз? --Окесан...

Васнетар набуринда: --Сўзбе “мен итман” деган фикр кечон лойдо бўлган? --Кучинчалин вақтинда.

Бир йўлчи мактабга лоб-лунки илтиш келди. Илтишчи ҳол-аҳвол сўрди. --Дам олиш кунини дадам билан қойишда савр илтишга борган эдим. Лобинга сри қўлди, --Доди йўлчи. --Уш ҳайдовш керак эди. --Улғурмадим. Отам уни эшик билан уриб йўлчи.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ “КАМОПОТ” ЖАМҒАРМАСИ Ҳомий: ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ «МАТВУОТ ТАРҚАТИШ УОШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ Навбатчи муҳаррир: Назоқат УСМОНОВА

ТАХРИРИЯТ: Кабулхона бўлими — 136-56-58, 133-95-97; таҳрират бўлими — 133-79-69; ижодкорлар бўлими — 136-54-64; спорд хабароти ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, қабрият — 136-58-48.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлиниши мумкин. Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ